

ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТНОМАСИ № 4044

Тошкент шаҳри

2022 йил 3 март

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси номидан низом асосида иш юритувчи директори У.Тешабаева бир томондан (кейинги ўринларда – “Бажарувчи”) ва ООО “PUREDEZ” номидан Низом асосида иш юритувчи директор С.Мухтарова иккинчи томондан (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”), ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. “Бажарувчи” куйида жадвалда кўрсатилган хизматларни бажаради. “Буюртмачи” ҳисоб-китоб шартномасида кўрсатилган маблағни белгиланган муддатда “Бажарувчи” ҳисобрақамига ўтказишни ўз зиммасига олади.

№	Хизмат (маҳсулот) тури	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси (сўм)
1	2021 йил март ойида 500 000 дона кутубхона фондини техник воситалардан фойдаланиб махсус тозалаш	дона	500 000	195	97 500 000

Жами: 97 500 000 (тўқсон етти миллион беш юз минг) сўм, ҚҚС сиз.

2. Ҳисоб-китоб тартиби

2.1. “Буюртмачи” шартнома ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк куни ичида шартнома умумий суммасининг 30 % и миқдорини олдиндан пул ўтказиш йўли билан “Бажарувчи” ҳисобрақамига ўтказади.

2.2. “Буюртмачи” шартнома умумий суммасининг қолган 70 % қисмини счет-фактурага асосан хизмат (маҳсулот)ни қабул қилган кундан бошлаб 10 банк кунидан ошмаган муддатда пул ўтказиш йўли билан “Бажарувчи” ҳисоб рақамига ўтказади.

3. Хизмат (маҳсулот)ни топшириш ва қабул қилиш

3.1. “Буюртмачи” шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган умумий сумманинг 30 % ини “Бажарувчи”нинг тегишли ҳисобрақамига олдиндан пул ўтказиш йўли билан ўтказгандан кундан бошлаб “Бажарувчи” 43 банк куни ичида хизмат (маҳсулот)ни ўрнатилган тартибда топширади.

3.2. “Буюртмачи” шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган умумий сумманинг 30 % ини “Бажарувчи”нинг тегишли ҳисобрақамига олдиндан пул ўтказиш йўли билан ўтказгандан кундан бошлаб “Буюртмачи” 43 банк куни ичида хизмат (маҳсулот)ни ўрнатилган тартибда қабул қилиб олади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. “Буюртмачи” томонидан шартноманинг 2.1. банди бажарилмаган ҳолда “Бажарувчи” ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4.2. “Буюртмачи” томонидан шартноманинг 2.2. банди бажарилмаган ҳолда кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида жарима тўлайди. Умумий жарима суммаси шартнома умумий суммасининг 50 % идан ошмаслиги шарт.

4.3. “Бажарувчи” томонидан шартноманинг 3.1. банди бажарилмаган, кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,4 % миқдорида

жарима тўлайди. Умумий жарима суммаси шартнома умумий суммасининг 50 % идан ошмаслиги шарт.

4.4. Томонлар мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида иш юритадилар.

5. Форс-мажор

Агар шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик энгиб бўлмас куч оқибатида (“форс-мажор” ҳолатларида), шартнома тузилгандан сўнг юзага келган фавқулодда ҳодисалар натижасида (табiiй офатлар, ҳукумат қарорлари в.х.) вужудга келган бўлса, Томонлар шартнома бўйича мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмагани учун жавобгарликдан озод этиладилар.

6. Қўшимча шартлар

Низолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали, ўзаро музокаралар орқали ҳал этилмаган ҳолатда жойдаги иқтисодий судида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида ҳал этилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Шартнома ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 мартгача амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда биттадан сақланади.

8. Томонларнинг юридик манзиллари реквизитлари

БАЖАРУВЧИ

ООО “PUREDEZ”

Адрес: г Ташкент ул. Бузбозор
2.4.1

Р/с : 20208000100465978001

Банк: г. Ташкент в ГОО НБ ВЭД
РУз.

МФО: 00407

ИНН : 303326144

БУЮРТМАЧИ

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси

Тел: _____

Шх/р: 1000 1086 0262 6670 8210 1134
001

ИНН: 201122450 ОКОНХ: 93110

Молия вазирлиги ғазначилиги Амалиёт
бошқармаси

Ғаз. х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

ХККМ МБ Тошкент ш. Бош
бошқармаси

МФО: 00014 ИНН: 201122919



Директор



Директор

У. Шамбаева

Ирсест:

**500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб
тозалаш хизмати юзасидан харид комиссияси
БАЁННОМАСИ №01**

Тошкент шаҳри

2022 йил “03” март

Қатнашдилар:

Комиссия раиси: Н.Холдорова-директор ўринбосари

Комиссия аъзолари:

М.Мирходжаева – хизмат раҳбари

Г.Ахмедова - хизмат раҳбари

Ш.Қамаров – хизмат раҳбари

С.Юлдашев-хизмат раҳбари

Комиссия котиби: Т.Базарбаев – бош иқтисодчи

Кун тартиби:

500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати юзасидан харид комиссияси электрон ғолиблик баённомаси муҳокамаси бўйича.

Кун тартибидаги масала юзасидан танлов комиссияси раиси Н.Холдорова сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 март кундаги “Алишер Навоий Миллий кутубхонаси ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1729-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона фондини миллий ва чет эл нашрлари билан тизимли тўлдириб бориш, кутубхона фондини, нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашда 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Комиссия аъзолари Миллий кутубхона умумий фондларни сақлаш хизматида ходимлар сони кутубхона фондига мутаносиб эмаслиги, жуда камлиги муносабати билан 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати зарурлигини айтиб Н.Холдорованинг фикр ва мулоҳазаларини қўллаб қувватлади.

Шундан кейин хизмат раҳбари С.Юлдашев 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати юзасидан 2022 йил 18 февральда ўлчов бирлиги дона, сони 500 000, хизмат нархи 200 сўм, сотиб олиш қиймати 100 000 000 сўм, лот рақами 32356 бўлган Республика товар хом ашё биржасига берилган эълонга асосан келиб тушган тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Унга кўра,

- “PUREDEZ” МЧЖ томонидан эълонда кўрсатилган 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати юзасидан 97 500 000 сўм ;
- “QUDDUS-AA” МЧЖ томонидан эълонда кўрсатилган 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати юзасидан 99 000 000 сўм таклиф этишган.

2022 йил 28 февраль куни 500 000 дона кутубхона фондини махсус техник воситалардан фойдаланиб тозалаш хизмати юзасидан PUREDEZ МЧЖ нинг ғолиблиги бўйича харид комиссиясининг электрон баённомаси расмийлаштирилган.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларига асосан электрон баённома 2022 йил 1-2 март кунлари 2 кун мобайнида муҳокамада турди. Муҳокама жараёнида ҳеч қандай қўшимча ва эътирозлар тушмади.

Комиссия раиси

Н.Холдорова

Комиссия аъзолари

М.Мирходжаева

Г.Ахмедова

Ш.Қамаров

С.Юлдашев

Т.Базарбаев



Комиссия котиби